



**Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси**


* Сотувда эркин нархда

ХАБАР ✓ ХАБАРЛАР



Саноат

СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР



Собир Раҳимов туманида жойлашган тезкор матбуот корхонаси жамоаси ҳам бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиб, буюртмага асосан сифатли наشريёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлида изланмоқда.

Фабриканинг ўзига хос томони шундаки, бу ерда маҳсулот жуда тезкорлик билан, лекин сифатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда тайёрланади.

— Қоғоз, бўёқ ҳамда бошқа турли нашр этиш учун керакли бўлган хом ашёни излаб топишда баъзи бир муаммоларни, — дейди фабрика директори Б. Ким, — ўзимиз ҳал қиламиз. Чунки ҳозир ҳамма ўз муаммоларини ўзи ечгани маъқул. Ишчиларимизнинг барчаси серрайрат ва кўп йиллик тажрибага эга.

Бу жамоада 60 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Уларнинг барчаси ўз вазифаларини аниқ билишди. Шунинг учун бўлса керак иш унумдорлиги тобора ортиб, буюртмачилар сони ҳам ўсмокда. Бу, албатта, фабрикага фойда олиб келади. Тушган фойда эвазига эса фабрика цехлари янги технология билан жиҳозланмокда. Чунки замонавий технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш таъминлаш, аҳоли талабига жавоб берадиган маҳсулот тайёрлаб бўлмайди-да. Бугунги кунда фабрика тў-

лиқ Чехиянинг «Адаст» фирмаси дастгоҳ ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Фабрикада бир ойда бир миллион сўмликдан ортиқ турли хил матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тезкор матбуот фабрикасининг режалари ҳам катта. Улар янги икки қаватли бино қуриб, иш қўламини янада кенгайтириш, чет эллик ҳамкорлар билан иш юзасидан алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш учун замонавий технологияни жорий этиш ниятида тер тўқмокдалар.

Шарифа БАҲРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: матбаачи С. Солихўжаев ўз дастгоҳини мохирлик билан бошқармокда; 30 йилдан буён фабрикада меҳнат қилаётган С. Бегматов босмадан чиқаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифатига алоҳида аҳамият беради; фабриканинг маҳсулотларидан намуналар.

Рашид Галиев
олган суратлар.



«ТЕЗЛАТГИЧ»НИНГ ТЕЗКОРЛИГИ

Бундан беш йил аввал Тошкентда ижарадаги илмий-ишлаб чиқариш корхоналари сони яна биттага ортиб эди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ядро физикаси институти ҳузурида юзага келган бу корхона «Тезлатгич» номи билан кенг танилди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ихтисослашган кўргазмалар муҳим халқ ҳужалиги аҳамиятига моликлиги билан ҳам харидоргир бўлиб бормокда. Корхонада электрофизик аппаратларнинг бир неча тури намуналарини тайёрлаш йўлга қўйилди.

«У-150» русумли циклотрон аппарати эса шу туркумдаги қурилмалардан бири ҳисобланади. Паст энергияли кувватга эга бўлган енгил частота воситаларини тезлатишга ёрдам берадиган бу мослама фан ютуқларини амалиётда қўллашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмокда.

Мутахассис олимлар изланишлари маҳсули бўлган «Со-57» радионуклид қурилмасини ҳам саноат асосида қўллаб чиқаришга киришилди. Бугунги кунда радионуклидли ва кимёвий соф ҳолда

тайёрланаётган мазкур изотоп инсон фаолиятининг турли жиҳатларини яхшилашга қаратилган фойдали спектрларга эга. Шу сабабли уни ядротиббетиёга кенг татбиқ этиш мумкин. Бу ҳол, айниқса, иммунологик тадқиқотда гамма манбаларни аниқлашда жуда қўл келаяптир.

«Тезлатгич»нинг бу маҳсулоти илмий асосбозликда, технологик жараёнларни назорат қилишда ва геология-қидирув ишларини йўлга қўйишда ҳам қўлланилмокда.

Фан

НОЁБ ТЕХНОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси электроника илмий-тадқиқот институти лабораториялари шариоитида олиб борилган йирик изланишлардан бири «Атом комплекслари ўзаро алоқадорлигининг қаттиқ жисм сиртига таъсири: янги технология ва асбоб-ускуналар» деган мавзуга бағишланган эди.

Ушбу муҳим илмий муаммо институтнинг етакчи олимларидан Э. Абдукаримов, Н. Жамиллов ва Э. Назаровлар ҳамкорлигида муваффақиятли ҳал этилди. Кенг қамровли бу тадқиқотлар маж-

муаси 1996 йилги Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мазкур илмий йўналишнинг электроэрозия технологиясига доир қисми ҳам ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилинмокда.

Электроэрозиянинг технологик имкониятларини кенгайтириш имконини берган ушбу техник янгилик, шунингдек, кесувчи мураккаб асбобларни яратиш учун ҳам йўл очиб берди. Тадқиқот натижалари ҳозир кимё машинасозлик ва космик комплексларда қўлланилмокда. Тошкент самолётсозлик «Тошкент — Лада» ҳиссасдорлик жамиятларида, Тошкент «Алгоритм» корхонасида ҳам электроника олимлари изланишлари кенг татбиқ қилинмокда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, металлларга ишлов бериш билан боғлиқ технология эса Швейцариядаги «Геолог Фишер» фирмасига ҳам ўрнатиладиган бўлди. Бунинг учун 600 минг Швейцария франки ажратилди.

БУЮРТМАЛАР БЕҲИСОВ

Тиббиёт — тест тизими! Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бу

ибора тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Зеро, тест-тизини қурилмалари саноат асосида ишлаб чиқарилиб, истиқболли технология сифатида тиббиёт соҳасида кенг фойдаланилмокда.

Бундай техник воситалар ҳозиргача республикамизда фақат «Ниҳол» таъриба-намуна заводида ишлаб чиқарилмокда. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида очилган мазкур корхонанинг бу хил маҳсулотлари тиббиёт тест-тизини қурилмалари янгилик у ёки бу касалликни тез аниқлашда шифокорнинг яқин ҳамкори айланди. «Ниҳол» корхонаси бу маҳсулот билан республика фан ва техника давлат қўмитаси томонидан уюштирилган танловда яхши баҳо олди. Бу янгилик сарик касаллигини аниқлашга ҳам хизмат қилмокда.

Унинг технология асосларини яратиш ва ривожлантириш тадбирлари ҳам қурилди. Фан ва техника давлат қўмитаси бунинг учун икки миллион сўмлик маблағ ажратди.

Корхона тиббиёт тест-тизини қурилмалари билан республикамиз соғлиқни сақлаш муассасалари эҳтиёжини қондириб келмокда. Эндилликда улар қўшни Қозғистон, Қирғизистон республикаларига ҳам юборилмокда.

Акбар АЛИЕВ.

Юртимизда ҳамма нарса инсон манфаатлари йўлида амалга оширилади. Жумладан бундан бир неча йил олдинги уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақидаги қарорлар ҳам ана шу мақсадни кўзлаб қабул қилинган эди. Ушундан бери орадан анча муддат ўтди. Тошкент шаҳридаги деярли барча уй-жойлар хусусийлаштирилди. Хўш, бу янгилик хонадон эгаларига қандай қўлайлик ва афзалликларни берди?

Биринчидан, барча даҳа ва мавзёлардаги уй-жой бошқармалари ижара корхоналарга айлантирилди. Хонадон соҳиблари ўзи яшаётган уйнинг ҳақиқий ҳужайини бўлди. Албатта бу қўлайликлар ҳаммага маъқул келди. Бироқ баъзи ўринларда, хусусан уй-жойларни таъмирлаш, йўлакларни тартибга келтириш, ертўлаларда ҳосил бўлган чи-

Қиш тайёргарлигини
ёқтиради

САНСАЛОРЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

қинди сувларни чиқариб ташлаш, ишга яроқсиз бўлиб қолган қувурларни янги-си билан алмаштириш каби юмушларни бажаришда мулк эгаси билан ижара корхоналари ўртасида турлича қарашлар содир бўлдики, бу ҳақда сўз юритмай иложимиз йўқ. Айниқса ҳозирги қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етаётган дамларда бундай англашилмовчилик ва сансалорликлар натижасида ўлда-жўлда қўлиб кетган юмушлар қиш қирчиллашмасида панд бериб қўйиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Таҳририятимизга кириб келган ўрта ёшлардаги киши ўзини таништириб, шикоят қила кетди:

— Юнусободнинг 6-мавзеида жойлашган 10-уйда яшайман. Хонадонимизнинг ошхона қисмидаги иссиқлик қувури ўтган йили ёрилиб кетган эди. Шу туфайли қўл ювгичга иссиқ сув келмайдди. Бу орада бир неча бор ижара корхонасига мурожаат қилдим. «Хой барака толгулар, ахир бир метр қувур топиб, эскиси билан алмаштириб беринглар», десам улар ҳар гал: «Бу юмуш бизнинг вазифамизга кирмайди. Сиз хонадон эгасисиз. Ўзингиз ҳамнингиздан бажаришингиз керак, бу ишни» дейишди. Мана охири сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим, — дейди Исоқ Каримов.

Биз шикоятчиға мулк эгаси билан ижара корхонаси ўртасида тақсимланган вазифалар, уларнинг бурчлари ҳақида тушунтириш беришга ҳаракат қилдик. Охирида чиндан ҳам юқоридagi юмуш хонадон соҳиби томонидан адо этилиши лозимлигини айтдик. И. Каримов ўз фикрида қолди.

Аслида ҳам белгиланган қонун-қоидаларга қўра икки томон ўзига тегишли юмушлар нимадан иборат эканлигини яхши билиб олиши учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутахассисларига мурожаат қилдик. Уларнинг айтишларича ушбу ташиқлот ва ижара корхоналари уйлариинг ертўласидаги барча иситиш ва канализация қувурларини ўз вақтида таъмирлаш, коммунал қияция ишларини амалга ошириш, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган томларни таъмирлаш каби вазифаларни бажаришга бурчли экан. Бошқа

юмушлар эса ўртадаги шартномага қўра хонадон эгалари томонидан бажарилишини қайд этишди. Бизнингча ҳам ҳар қалай икки томон ўртада келишилган шартнома бандларига тўла амал қилишса сансалорликка ўрин қолмайди.

Энди мана бу мактубга диққатингизни тортимиз. «Мен Аҳмаджон Тожиев Шайхонтоҳур туманининг «Марказ — 5» даҳасида жойлашган 10-уйда истиқомат қиламан. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Хонадонимиз тўққиз қаватли бинонинг 8-қаватидан ўрин олган. Қишда қор-ёмғир ёғиши билан томишимиздан чакка ўтиб хоналар сатҳи сувга тўлади. Оқибатда ҳаммаёқни зах босиб кетади. Бу ҳақда бизга қарашли ижара корхонасига шикоят қилдим. Улар ҳар гал ваъда беришди. Лекин амалий ишдан дарак йўқ. Билмадим қиш-қировли кунларда ҳолимиз не кечади».

Бу хусусда ҳеч қандай баҳс-мунозарага ўрин йўқ. Ижара корхонасидагилар бу юмушни иложи борида тезда бажариб, шикоятчи талабини қондиришлари лозим.

«Хурматли таҳририят, — деб ёзади оқшомхон Усмон Усмонов. — Юнусобод тумани қурилиш-таъмирлаш уй-жой фондидан фойдаланиш бошқармасига Н. Жим Ортиқов бошчилик қилади. Ҳозирда бошқарма ихтиёрида 168 та уй мавжуд бўлиб, корхона хизматчилари уларга қўлидан келганича хизмат кўрсатиб келишяпти. Хусусан бу йил бошқарма 10 та уйни таъмирлашни режалаштирган эди. Белгиланган режа деярли бажарилди. Бошқармага шикоятчилар томонидан тушган ариза ва хатлар ҳаммаша ижобий ҳал этиб келиняпти. Бу ишда айниқса бошқармага қарашли 2-ва 4-ижара корхоналари ибрат қўрсатишяпти. «Матонат» маҳалла ахли билан бошқарма ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилганлиги ибратлидир. Мана шу ҳамкорлик туфайли ушбу маҳаллада қиш тайёргарлиги олдиндан қўриб қўйилди».

Хатни давом эттирмасак ҳам мақсад аниқ-равшан. Қани энди шундай мактублар, миннатдорчилик сатрлари кўпроқ бўлса, одамлар қиш ташвишида идора-идора югуриб юришмаса.

Энди Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳасидаги 34-уйда истиқомат қилувчи Абдулла Қодировнинг сўзларини эшитинг.

— Бундан ўн йил муқаддам шу уйга қўчиб келганимиз, — дейди у. — Барча хонадонлар хусусийлаштирилган, Ижара корхонаси билан шартнома боғланган. Икки йилдан бери уйимиз ертўласида сув йиғилади. Сабаби қувурлар эскириб тешилган. Бу хусусда ижара корхонасига хабар қилсак, бу ердагилар: «Ҳозир бизда қувур йўқ. Бу ишни хашар йўли билан амалга оширганларингиз маъқул», деган жавобни беришди. Ахир шартномага қўра бу юмушни бажариш уларнинг вазифасига қирадику. Бунисиға ҳам чидадик. Истиқоматчилар билан келишиб ўз кучимиз билан эскирган қувурларни янгиладик. Ўтган йили баъзи уйлар томидан чакка ўтиб кетганлигини айтиб, бу ишни бартараф этишда бизга ёрдам беришларини ижара корхонасидан илтимос қилдик. Таъмирловчилар келишди. У ёқ-бу ёқни қўриб: «Шунча пул берасизлар» дейишди. Қани айтингчи, бундай «халис» хизматнинг кимга кераги бор? Ундан қўра четдан одам ёллаб ишлатганимиз яхши эмасми?

Чиндан ҳам уйланиб қолсан киши. Афсуски, онда-сонда бўлсада шундай нохуш ҳоллар жойларда ҳозир бўлиб тургани албатта ташвишлидир.

Қиссадан ҳисса шуки, қиш бўсағада турибди. Шундай экан ҳар бир хонадон эгаси ва ижара корхонаси ўз бурчларини англаган ҳолда чала қолган юмушларни тезда битказиб олишлари лозим.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ҳар бир аёл юз терисини алоҳида парваришлайди. Айниқса, ўттиз ёшдан кейин. Қуйида ҳар хил турдаги териларни парвариш қилиш ҳақида фойдаланиш маслаҳатларини тавсия этамиз. Ундан тўғри ва мунтазам фойдалана билсангиз ўз соғлигингиз ҳақида қайғурган бўласиз.

ЎТА ТАЪСИРЧАН ТЕРИ

Шамол ва совуқ таъсирида бундай турдаги тери-тортичибо, қизариб ҳамда пўст ташлайди. Қиш даврида ўта таъсирчан терининг модалла алмашинуви секинлашади. Ҳароратнинг пастлиги қон томирларининг торайишига олиб келади. Бунинг натижасида ёғ безларининг фаолияти пасайиш ва терининг ёғ запаслари камаяди. Ўз навбатида ҳавода ва иситилган бинода ҳароратнинг алмашинуви терининг қизариб қичишига са-

баб бўлади. Нима қилиш керак? Бундай ҳолда териди керакли микдорда ёғлар ва намлиқни сақлаш лозим. Ҳамма муолажаларни бир маромда, яъни эҳтиёткорлик билан терини тозалашдан бошланг. Сўнгги одатдаги крем қўллашнинг ўзгартириб, яъни кундузги крем

лайди. Кўз атрофида майда ажинлар пайдо бўлади. Қуруқ терини мунтазам тозалаш учун юмшоқ, суюқ моддалардан, косметика суги ва кремларидан фойдаланиш керак, лоссон билан артишни маслаҳат бер-

маймиз, чунки у терини ўта қуришга юралолади. Кўз атрофидаги ҳам кундузги крем урнига кечки кремлардан ишлатинг. Кўз атрофида ажинлар тулушишга сабаб шуки, кўз атрофи ёғ безлари фаолияти суст бўлиб, юпка тери совуқ кунда қуришиб бораверади, силлиқлиги, таранглиги йу-

ЗЕБОЛИК СИРЛАРИ

ЁГЛИ ТЕРИ

Бундай тери бироз ялтираб туради, лекин бу нуксонни осон бартараф этса бўлади. Ёгли терини кунига бир маҳал иссиқ сувда совунлаб ювиш, сўнгги юмшоқ сочиқ билан яхшилаб қуришти, шунингдек, эмульсия

Аёллар учун

хилидаги суюқ кремлар билан тозалаш лозим. Данадек кремга озрок сув қўшиб, юзингизга суртинг ва сўнгги чўтка ерда-мида ишқаб қўпиқ ҳолига келтиринг. Юзни ҳеч қачон одекалон билан тозаламанг, чунки унинг натижасида қора доғлар пайдо бўлади. Кундузги ва кечки кремлар сифатида таркибиди ёғлар бўлган ҳамда юмшатувчи моддаларни қўлланг.

СУГЛИН ТЕРИ

40 ёшдан сўнг юз териси анча қуруқ бўлади, шу туфайли совуқ таъсирида ажин туша бошлайди. Фақатгина совуқ эмас, балки килород ҳам бўлган хонадаги қуруқ ҳаво ҳам терига ўз таъсирини ўтказида. Юз терисини тозалаш учун таркибиди ёғ бўлган юмшоқ эмульсиялардан фойдаланинг. Кундузи эса юмшатувчи ва терини ораста қилувчи кремлар тавсия этилади. Кечки крем сифатида ажинга қарши кремлардан фойдаланиш мумкин. Бу крем ўз навбатида ажинларни текислаб, тери каталарининг фаолиятини ҳам яхшилайди. Ажинга қарши энг қўлай усул массажа бўлиб, агар уни ажин туша бошлаган даврданок қўлласангиз яхши натижа беради. Аввалдан у ҳар кунги сўнгги икки-уч кунда, сўнгги бир ой давомида бажарилади. Қундалик крем суртишда қўл ҳаракатлари ҳам массажа ўрнида яхши натижа беради.

Маъфура ҚОРИЕВА.



Йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш жуда завқли воқеа бўлади-да! Уша кунни уйда қариндош-уруғдан тортиб, қўни-қўшилар ҳам тўпланадилар. Ҳамманинг эътибори кўзлари ёниб турган бўлажак аскарда. Унга ўзларича маслаҳат беришади: «Тез-тез хат ёзиб тургин, спорт билан шугуллан, кийимларингни тоза тут» ва ҳоказо.

Мустақиллик шарофати билан юрт фарзандлари Ўзбекистон ҳудудидан ўз хизмат бурчларини ўтамоқдалар. Бундан айниқса, ота-оналар миннатдор. Негаки, энди улар ўз Ватанларининг осойишталигини қўриқлайдилар. Кўни кеча шахримиз туманларидан тўпланган бўлажак посбонларни тантанали кузатув

маросими бўлди. Шаҳар ҳарбий хизматга тўпланиш жойи байрамона тус олди. Ҳарбий оркестрнинг тантанали садолари ҳам юракка аллақандай энтиқиб, ҳаяжон солади. Биз бу ерга келган ота-оналар, командирлар ва бўлажак аскарлар билан суҳбатлашдик.

● Полковник Сирожиiddин Холиқназаров, Юнусобод тумани мудофаа

ишлари бўлимининг бошлиғи:

— Йигитларга ишончимиз баланд. Чунки уларнинг кўпчилиги «Ватанпарвар» ташкилотидан турли мутахассисликларга ўқиб, спорт билан шугулланувчи йигитлардан иборат. Туман қақирув бўлимида бўлажак аскарларнинг соғлиғи жиддий қўриқдан ўтказилди. Ҳозир ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва қақирув ишлари илгари, соҳиб иттифоқ давридагидан катта фарқ қилади. Мақтабни битириш давридаёқ қақирув бўлимининг ходимлари ўзларига тегишли жойларда бўлажак аскарларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, уларнинг оилавий шароити, фарзанд-

ларининг хулқ-атвори билан яқиндан танишадилар. Сўнгра тўпланган барча маълумотлар аскарнинг хизмат жойидаги тавсифномасига ёзиб қўйилади. Шу тарика зобитларнинг ёш аскарлар билан тезда умумий «тил топишиш»лари анча осон кечади. Йигитлардан қаерда ва қандай қисмларда хизмат қилиш истаги борлиғи ҳам сўралади. Унинг соғлиғи, жисмоний имкониятлари ҳисобга олиниб, истаги бажарилиши ҳам мумкин.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Баъзи ота-оналар фарзандлари хизматини бошлаганига бир ой тўлар-тўлмас, ҳарбий қисмга уни кўргани борадилар. Албат-

та уйдагидан бутунлай бошқа шароитга ўтиш, кўникиш осон кечмайди. Йигитлик бурчининг улкан масъулияти ҳам шунда-да. Яна бир муҳим масала — хат ёзиш маданиятидир. Хатни қизиқарли, кўтаринки руҳда ёзиш керак. Бу ота-оналарга ҳам, аскарларга ҳам тегишли гап. Чунки хат киши руҳиятига катта таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади.

● Обиджон Набиев, Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинтепа» маҳалла оқсоқоли:

— Биз маҳалла ва ҳокимлик вакиллари, санъаткорлар билан ҳарбий бўлимларга бориб аскар йигитларимизнинг ҳаёти билан танишиб келамиз.



Шароитлари жуда яхши. Кўриб, ҳавасимиз келди.

● Холмат Мансуров, Маъмура она, Миробод туманидан:

— Тўнғич фарзандимиз Муроджонни бугун ҳарбий хизматга кузатибмиз. Жуда ҳаяжондамыз. Худога шукр, юртимиз тинч. Биз айниқса, ҳокимлик ва маҳалла фаолларининг бу ерга келиб сўзлаганларига ҳурсанд бўлдик. Кейинги фарзандимиз Азизжон ҳозир 16 ёшда. Акиси хизматни аъло даражада бажарса, ўқиси ундан ўрнак олади. Ўғлимиз соғ-омон қайтсин, илоҳий!

● Дониёр, Собир, Ҳамидулла, бўлажак аскарлар:

— Ака, «Оқшом»данмисиз? Бўлмаса, ёзинг: бизлар синфдошларимиз. Хизматни ҳам бир қисмда бажаришни орзу қиламиз. Бунинг имконияти бормикан? Ҳозиргина шу ҳақда командирдан сўрагандик, «иложи бор!» деди. Уччамиз ҳам бокс билан шугулланамиз. Ҳозирданоқ айтишимиз мумкин: хизматни ҳам «аъло»га бажарамиз!..

Хуллас, кузатиш тантаналари чоғидаги юқоридаги каби кўтаринки суҳбатларимиз узоқ давом этди. Айниқса, бўлажак аскарларга шаҳар ҳокимлигининг совғалари топширилиб, нуруний оқсоқоллар уларга оқ йўл тилаганида биз ҳам

уларга жуда ҳавас қилдик. Ахир, ўн йилча бурун соҳиб иттифоқ даврида биз хизматга жўнаётганимизда бундай совғалар, ўз она тилингда айтилган илиқ тилаклар қайда эди? Қаерга бориб, қайси қисмда хизмат қилишимизни ҳам билмас эдик. Маана энди ҳарбий хизматда бўлиш завқли, шарафли. Буларнинг бариси — Мустақилликнинг шарофатидандир.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: бўлажак аскарларни ҳарбий хизматга тантанали кузатув маросимидан лавҳалар.

Шавкат Зуфаров олган суратлар.

Республика Ёш томошабинлар театрининг бадий раҳбари, таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов билан мулоқотимиз театр жамоасининг янги мавсумни бошлагани ҳақида кечди.

— Ҳар бир театр жамоаси мавсумни ўзининг энг сеvimли спектакли билан бошлаганидек, биз ҳам бу аъло соҳибимиз. 68-мавсумни Моляернинг «Учар табии» спектакли билан очдик. Бу спектакль турли ёшдаги томошабинларга мўлжалланган бўлиб, ундаги воқеалар айнан ўзбек ҳаётига мослаштирилган. Асарни драматург Шароф Бошбеков ўзбекчадаштирган.

— Келажакимиз бўлган ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Театр маданият ўчоғи бўлиши билан бир қаторда, томошабинлар учун тарбия маскани

Театр

ТОМОШАПАРИМИЗ БОЛАПАРИМИЗНИ ЎЙЛАНТИРСИН

бўлиб хизмат қилиши лозим. Янги сахна асари яратилаётганда шу жиҳатларга ҳам эътибор бериладими?

— Театримиз ўз номи билан Ёш томошабинлар театри. Шу сабабдан биз ҳозирги давр талабига мос, болалар дунёсининг ички кечинмаларини очиб берадиган, томошабинларни, уларни қандай ёшда бўлишдан қатъи назар ўйлантирадиган ва мулоҳаза қилишга чорлайдиган спектакллари саҳналаштиришимиз лозим.

Бугунги кунда бундай спектакллар бизнинг репертуаримиздан кенг жой олган. Яқинда, янги мавсумни очилишимиздан олдин, биз Жўра Махмуд эртаги асосида саҳналаштирилган «Осмондан тана ёққан кун» спектаклининг премьерасини ўтказдик. Премьера жуда яхши ўтди, бир неча кун давомида театр томошабин билан лик тўлди. Ўш, бунинг сабаби нимада? Чунки асар воқеалари айнан ҳозирги кунимиздан олинган бўлиб, унда оила, ота-она, фарзанд тарбияси, ота ва бола ўртасидаги қарама-қаршиликлар, бойликка интилиш, ҳамда унинг дахшатли фожияси акс эттирилган.

Шунингдек, «От кишанга оқшомда», «Захарли томчилар», «Эсиз умр», «Бали, улукча», «Қайнар хумча» ва ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган «Минг бир кеча» каби спектакллардан барча эътибор болалар тарбиясига қаратилган.

— Ҳозир қўйилаётган спектаклларнинг деярли барчаси мусиқали. Натижада актёр қўшиқ айтиши ва рақс ижро қилишига тўғри келади. Бунинг учун четдан актёрлар қабул қилинадими ё...

— 4-5 йилдан буён спектаклларда мусиқа, қўшиқ ва рақс орқали томошабин кўнглига йўл топишга ҳаракат қилинмоқда. Уларда ўзимизнинг актёрлар билан бир қаторда Тошкент Давлат санъат институтининг талабалари иштирок этмоқдалар. Албатта, ҳар бир театр актёри қўшиқ ва рақс ижро этишдан ҳам хабардор бўлиши керак. Актёрларимиздан Лутфулла ва Гўлчехра Саъдуллаевлар, Фарҳод Алимов, Исмоил Абдуллаев, Ёдгора Шамхўрамаева, Муассар Шодиева, Шамсикамар Мансурова, Дилбар Абдулазизова, Зафар Асқаров ва Абдуса-

мат Жўрабоев сингари истеъдодли актёрларимиз ҳар томонлама тўқис десам хато қилмаган бўламан.

— Ҳозирги кунда болалар учун ёзилаётган асарлар хусусида нима деясиз?

— Ростини айтсам, болалар учун ёзилаётган асарлар жуда ҳам кам. Борларини ҳам сахнага олиб чиқиб бўлмайди, чунки бугунги кун талабига жавоб бериб бериб бўлмайди. Биз кўп йиллардан буён болаларнинг сеvimли ўзвучисини Анвар Обиджон билан ҳамкорлик қилиб келаямиз.

— Бугунги кунда театрларимиздаги асосий муаммолардан бири томошабин бўлиб қолмоқда. Болалар театрида бу муаммо қандай ҳал этилмоқда?

— Болаларнинг кўнгли соф, беғубор бўлади. Улар спектакль деб эмас, балки бўлган ёки бўлаётган воқеа деб томошага келишади. Шунинг учун олган ҳолда биз йил бошидан шахримиздаги барча мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари билан шартномалар тузганимиз. Чингалар нархини 15 сўм қилиб белгилаганимиз. Уларга қўлайлик яратиб мақсадида автобуслар ташкил қилганимиз. Шу сабабли театрими бир кун бўлса-да томошабинсиз бўлаётган йўқ. Деярли ҳар кун театр ўзининг мухлислари билан гавжум.

— Демак, театрта томошабин муаммоси тўғри ҳал қилинган экан. Ҳали ўз ечимини топмаган қандай муаммоси бор? Театрнинг бадий раҳбари сифатида болалар театрининг келажаги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Томошабин муаммосини ҳал қилган бўлсак-да, бизни кўп йиллардан буён ўйлантираётган, ўз ечимини топмаётган муаммолардан бири болажонларимиз учун янги театр биноси. Мана кунча бўлиб ўтган йилгида бу масала яна бир бор кўриб чиқилди ва ўз ечимини топгандай бўлди. Насиб этса, келаси йили янги мавсумни мўхташам, киши кўрганда ҳаваси келадиган бинода кўтиб оламиз деб ўйлайман. Чунки болалар театри ҳам катталар театри каби катта бир масъулиятни талаб қилади. Биздаги спектакллар катталарникидан кўра қизиқроқ бўлиши керак. Лекин болалар театрида томоша кўпроқ бўлиши, ёш томошабин қалбига йўл топа олиши керак, деб ўйлайман.

— Сўнги савол: театр режислари, яқин орада болажонларимиз учун қандай янги сахна асарлари саҳналаштирилади?

— Хабарингиз бор, бизда томошалар турли ёшдаги томошабинларга мўлжаллаб қўйилади. Шунинг инобатида олган ҳолда, биз ўзимизнинг энг кичик ёшдаги ҳажми мухлисларимиз учун тез кўнларда уларнинг сеvimли мультфильм қаҳрамони Карлсон ҳақида сахна асари қўймоқчимиз. Агар асар қаҳрамони Карлсон ўзбек хонадонига келиб қолса, қандай муносабатда бўлинадди, деган саволга шу томоша орқали ёчим топмоқчимиз. Шунингдек, хитой халқ эртаклари асосида «Сехрли дур» ва «Малика Милан» томошаларини саҳналаштиришни режалаштирганмиз. Бу иккалови катта ёшдаги болалар учун мўлжалланган.

— Олимжон ака, режиссёр сифатида юрагингизда сақлаб юрган армонларингиз борми?

— Кимнинг юрагига армон бўлмайди дейсиз. Ҳар бир режиссёр хоҳ у машҳур бўлсин, хоҳ бошловчи режиссёр бўлсин, Фарб классиксининг дурдона асарларига мурожаат этишни орзу қилади. Мен ҳам Шекспирнинг кўп асарларини кўп сахналарда кўрдим. Аммо ўзим шу пайтга қадар унинг атрофида айланб юрибман. Ўзбек халқининг буюк фарзандлари, адабиётимизнинг ёрқин юлдузлари Навоий, Бобур, Ҷўлпон ва Абдулла Қодирий сиймоларини сахнага олиб чиқишни орзу қиламан. Яқин келажакда шу орзуларим ушалишига умид қиламан.

**Суҳбатдош
Маъмура РЎЗИЕВА.**

Ўзбекистон халқ рассоми, Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори Лутфулла Абдуллаевнинг «Тўйчи хофиз Тошмухамедов» портретлари билан танишиб, у кишини кўриш иштиёқида юрганимизда ўзлари Санъат музейига келиб қолганлар. Ўрта буй, оқ-саридан келган, ҳаракатчан, ута қамтарин бу инсон билан музей хоналарини сайр этиб суҳбатлашганим, «Тўйчи хофиз Тошмухамедов» портретига яқин келганимизда саволга тутидим. Портретнинг қандай яратилиши ҳақида билгим келди.

— Эҳ-ҳа, бу портретчилик санъати бобида илк ишим, — деди мусаввир. — Санъаткорларни жуда яхши кўраман. Тўйчи хофиз «Қаро кўзим» ашуллари билан эътиборимни тортиб келганлар. Шу қўшиқни тўй-ҳашамларда тинглаб этюд, эскизлар чизиб ва нихоят портретни битириб қўйганимни ўзим ҳам сезмай қолбман. Хофиз портрети 1938 йили киёмига етганди. Кўргазмаларда намойиш этилди. Санъатшунос ҳамкасбларимга ҳам ёқибди. Портрет яхши баҳоланиб музейга олинган, руҳим кўтарилди. Ишим юришиб кетиб, бир қанча рангтасвир, қаламтасвир, ҳажвий расм дейсизми, китоб безачилиғи, кино санъати соҳаларига асарлар яратганим билан фахрланаман. Одамларнинг мактовлари менга куч-қувват, илҳом беради, чарчаш ниялимни билмасдим...

Лутфулла ака ўшанда вужудларидан ўт чакна, Ватанга, халққа, санъатга бўлган меҳр ва муҳаббат аломатлари сезилиб турарди. Менга жиддий гапиришлари, сажий, ростгўй ва меҳнатсеварликлар

ри ёқиб қолганди. Қирқларга чиққан қирчиллама йигит чоғлари бўлса керак, деб ўйласам, буни қаранг, нақ олтимиз ёшга чикдим, десалар бўладими!

Шунгям роппа-роса чорак аср бўлибди. Санъат

рилиб, ёзувчиларимиздан Ойбекнинг самимий кўринишлари, меҳмонларни кўтиб олаётгани, шунингдек, шоира Зулфия қиёфасида гўзаллик ўз ифодасини топганди. Турли миллат адиблари кўринишлари

ки, гўё Лутфулла аканинг айтмоқчи бўлган гаплари шундоққина рангларга сингиб кетгандек... «Чўли ўзлаштирувчилар», «Велосипед билан мукофотланган колхозчи», «Обид кетмон» асарларига ишланган ра-

Санъат

ТОПМАС МУСАВВИР



музейида Лутфулла Абдуллаевнинг Ўзбекистон ҳаётига ва ажойиб одамларига бағишланган асарларини томоша қилиб, ҳузур этардик. Ғалаба кунига бағишланган «Учрашув» картинасида ўзбек халқи баҳодирлари, дўстлик, тинчлик, юртни душмандан сақлаб қолиш гоълари акс эттирилган бўлса, «Дўстона бўлган меҳр ва муҳаббат аломатлари сезилиб турарди. Менга жиддий гапиришлари, сажий, ростгўй ва меҳнатсеварликлар

ҳаққоний жонлантириб берилиши Лутфулла аканинг портретга усталикларидан далалат беради.

Уруш пайти тасвирланган «Агитатор Тошкент калани қурилишида» асарини ҳамма билади. Санъат тарихидан ҳам муносиват ўрин олиб турибди. Картинада уруш қаҳрамони Қўчқор Турдиев, канал қазувчилар ва санъат тарбиячилари ушбу асарларда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентдаги биринчи анжумани акс этти-

рилган жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. «Утган кўнлар» ва «Меҳробдан чаён» суратга олинган да расмоз чизилари кўл келган. Айниқса, кийим эскизлари образини ҳаққоний очиб, томошабинга манзур бўлган. Лутфулла Абдуллаев Абдулла Қодирий мукофотида сазовор бўлишлари арафасида шу расмлардан саралаб, Санъатшунослик институтида кўргазма очгандилар. Ўшанда биргаликда томоша қилаётганимизда «Обид кет-

мон» асарига ишланган расм ҳақида шундай дегандилар:

— Абдулла Қодирийни кўриш менга насиб этган. У киши баъзиларга ўхшаб хонадан чиқмай ёзавермас эканлар. Деҳқонча кийимларда юрганларида кўплар танимас экан. Қўлларидан кетмон, ишларканлар. «Обид кетмон» худди шунча иш жараёнида ёзиб, битказилибди. Кетмонни бироз муболағили, достонбоп тасвирлаганман. «Нақ барқашдай келадими бу кетмонинг!» деб ҳазиллашганларича бор бошқалар.

Лутфулла Абдуллаевнинг қайси асарига разм солсак, қайноқ қалб ҳарорати сезилиб туради. Ўзлари ҳам ҳаётда худди шундай, тиним билмай, эл-юрт ишқиде ёниб яшаб келаяптилар. Чорак аср олдин қандай кўрган бўлсак, ҳамон шундайлар. Ижод қилмоқдалар. Очилаётган бирорта кўргазмалардан четда қолмайдилар. Томоша қиладилар. Ютуғини мактасалар, камчиликлари кўрсатиб, сидқидилдан дўстона маслаҳатларини аямайдилар. Ўзларини шу кўнларда ярататган асарларидан ҳам кўргазмаларда кўри-напти. Бадий Академия аъзолари кўргазмасида намойиш этилган ишларидан «Жаҳон хотин-қизлари» рангтасвири кўпларни ҳайратда қолдирди.

Меҳнатсевар, ҳаётда толмас мусаввир Лутфулла Абдуллаев нимани мақсад қилиб қўйган бўлсалар, ниятлари ҳолис экан, мақсадларига етаяптилар.

Махмуд АХМЕДОВ, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

СУРАТДА: «Агитатор Тошкент калани қурилишида» суратидан қучирма.

Мумтоз адабиётда насрнинг баркамол намуналаридан бири ҳисоблангани «Дастур ул-мулк» асари юксак истеъдод соҳиб, ахлоқ ва тасаввуф олими, фалакийт илмининг зуқко билимдони, муаррих, адиб Хожа Самандар Термизий қаламига мансуб.

Ушбу китоб 1695 — 1696 йилда ёзилган бўлиб, ўзининг мундарижаси бойлиги ва бадийлиги билан XVII аср Ўрта Осиё адабиёти, тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётини ўрганишда, айниқса, ҳозирги кунда ёшларни юксак маънавият, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварлик, ахлоқ-одоб, иммон, ҳалоллик, инсоф ва адолат туғилуларини тарбиялашда катта қимматга ҳамда аҳамиятга молик.

Адибнинг ушбу китоби ахлоқий-таълимий ва жағнома жанрида ёзилган бадий-тарихий асардир.

Унда яхши одамларни таърифлайди, ёмон одамларни ҳам ҳақ қамчиси билан савалайди.

«Дастур ул-мулк» асари 22 фаслдан иборат. Фаслларнинг номланиши исбуй бўлиб, бир фаслнинг ичиде иккинчи бир фаслнинг номи билан боғлиқ бўлган ҳикматларни учратиб мумкин. Адиб бутун асари давомида ўзига насиб этган ҳар бир янгиликка, ҳар бир муваффақиятга оллоҳнинг лутфи, мар-

ҳамати сабаб бўлганлигини эҳтирос билан баён этади.

Асар Ватанимиз олимлари билан бир қаторда ҳорижий шарқшуносларнинг ҳам тадқиқ этиш, ўрганиш

мандарнинг жозибали, сумандонлик билан мусажаҳ (саъж) усулида ёзилган «Дастур ул-мулк» асариде даврининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ва тарихий воқеалари тас-

Мутлаа

22 ФАСЛ ҲИКОЯСИ

мавзусига айланган. Машҳур чех шарқшунос олимаси Ирты Бечка: «XVII аср Ўрта Осиё тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулк» асари муҳим тарихий манба ҳисобланади», дея фикр билдирган.

Хожа Самандарнинг мазкур асари аллоҳларимиз тарафидан ёзилган жуда кўп насрий асарлар билан қиёсланиб, адибнинг наср-навислик маҳоратиға юксак баҳо берилган. «Хожа Са-

вирланган бўлиб, бу асар насрнинг кўзга яққол ташланиб турган энг баркамол, тўлақонли тимсолидир», — деган фикрни билдирганлар олимларимиз.

Адиб асарининг асосий мавзуларидан ани бири билим, тажриба соҳиб бўлиш яхши, доно одамлар суҳбати билан ақлни бойитиш, баджаҳл, ёмон одамлардан узоқлашиш, нодонларнинг беъмани, беҳуда сафсаталарини эшитишдан

қочиш, дўст билан душмани фарқлашдир.

Шунингдек, китобдан адолат ва жасорат, душман сўзига ишонмаслик, маслаҳатнинг фойдаси, ҳасаднинг зарари, қариларнинг ёшларга насиҳати, ишқ, дунёнинг бевафолиги, қарилар ва бошқа ҳусусиятлар ҳақида қўлаб ҳикоятю байтлар, рубоий ва қўтиьлар берилган.

«Дастур-ул-мулк» асарини Жаббор Эсонов ўзбек тилига таржима қилган. Профессор Аҳмаджон Абдуллаев унга сўнг сўз ёзган. Фарзандларимизни юксак маънавият руҳида тарбиялашда катта манба сифатида бу асарни мактаб дарсликлариға ҳам киритилса нур устиға аъло нур бўлур эди. Китоб Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётда чоп этилди.

Туркий халқлар, уларнинг ўзагини ташкил қилган ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар ҳақон илм-фани ва маданиятнинг шаклланишига ва ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Президентимиз Ислам Каримов Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқларда улар номларини ҳурмат билан тилга олдилар.

Бу буюк алломалар томонидан яратилган асарлар асрлар оша инсоният равақи йўлида хизмат қилиб келмоқда, келажақда ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиздир. Заминимизда турлиб ўсган, ҳодод қилган буюк қомусий алломалар Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Махмуд ибн Умар аз-Замашарий, Хос Хожиб, Аҳмад ибн Махмуд Юғнакий, Пахлаван Махмуд, Алишер Навоий, Шарофиддин Али Яздий, Хожа Мухаммад Бахавуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг асарлари ҳақон илмий жамоатчилигининг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги инглиз, немис, француз, рус ва бошқа тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда.

Тарихимизни ва ҳақон маърифатчилигини (цивилизациясини) ривожлантиришга бебаҳо хисса қўшган буюк аждоқларимизнинг мероси бугунги истиқлоллимизнинг олтин пойдеворидир. Инсонни маънавий етукликка қорловчи илмий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзига, аъёнанин маданиятида муҳим урин олган.

Маълумки, Амударёнинг ўнг соҳилидан юқорида қойлашган ерларни араблар Мовароуннаҳр, деб атаганлар. «Мо-варо-уннаҳр» арабча «дарёнинг нариги толини» деган маънони англатади. Арабларнинг аста секин Амударёдан утиб шимолга кириб бориши натижасида «Мовароуннаҳр» сузунинг жуғрофий маъносини ҳам аниқ мазмун касб эта бошлаган ва у нафақат Сўғдиёна, Фарғона, Исфижоб, Хуттол, Илок, Шошин, балки, гарчи Амударё ва Сирдарё оралиғига кирмас ҳам Марв, Хоразм ҳамда қисман Туркистоннинг ўз ичига олган ва янги ҳудудларни бошқаришни ҳисобга келтириб бораган. Сиёсий, иқтисодий ва маданий сабаблар тўғрисида Х—XII асрларда Мовароуннаҳр жуғрофия тўшулган. Аини шу даврлардан бошлаб Мовароуннаҳр деганда Урта Осиёнинг муслмонлар истикомат қиладиган ҳудудлари тўшулиши бошланган.

«Бахр ул-асор» асарида бу ўлка қуйидаги таъсир этганлар: «Мовароуннаҳр Шарқ мамлакатлари орасида энг катталаридан. Мовароуннаҳр деганда аслида Жайхун ва Сайхун оралиғидаги барча вилоятлар, катта-кичик шаҳарлар, қишлоқлар, тоғлар ва водийларни ўз ичига олган улка тўшунилди. Шу сабабдан ҳам Термиз, Кубодиён, Вахш, Сағоний, Насаф, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хутталон Мовароуннаҳрга тааллуқлидир...

Мовароуннаҳр дунёсининг обод қисми мамлакатлари орасида хар жиҳатдан, хусусан, муслмонлик маросимлариға рия қилишда, диёнат бобида шариат ва тарикат усуллари, ислом аъёнанин муҳофазасида, буюк шайх ва уламоларнинг қўлиги билан, миллат ахли ҳуқуқларини ҳимоясинда, илму фан шон-шарафини тўтишда, мадраса, хонақоҳ, масжид, муқаддас жойларнинг сержисоблиғида, илм тобларининг қўлиги, тиркиларни ҳам, уликларни ҳам азияшда, саводсизларнинг онда-сондалиги, фалокатларнинг камлиги, маконининг бегуборлиги, обхавосининг латифлиги, мевали ва салқин берувчи дарактларининг бисерлиги, дарё ва ирмоқларининг беҳисоблиги, одил подшоҳлари, тақводор ҳокимлари, турмуш учун зарурятларининг мул-қўлиги, инсон иззат ва бахти йўлида бирон-бир тўсиқнинг йўқлиги билан ажрალიб туради. Мовароуннаҳрнинг устуниликларидан яна бири шундаки, бу мамлакатда шу қадар кўп машҳур уламо ва фузалолар етишиб чиққан, у билан тенг кела оладиган бирон-бир муслмон мамлакатини кўрсатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам доши-мандлар, «мовароуннаҳрликларнинг асосий бойлиги уларнинг илму дониши», деб таъкидлаб келганлар.

Муслмон олами марказидан бир мунча четда бўлишиға қарамай Мовароуннаҳр, унинг кенг маданий, савдо ва бошқа ўзаро алоқаларида акс этган иқтисодиети, маданияти, илм-фани билан нийҳатда ривожланган улаларидан бири бўлган.

Ўзаро маданий алоқалар олим ва шоирларнинг, адабиётшунослар ва диний алломаларнинг мунтазам ва кенг ўзаро оқими, кимраб олган. Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Марв ирик умумтаълим ва илм-фан марказлари бўлган ва худди шу боис бу шаҳарларга Мағриб, Андалусия, Азарбайжон, Табаристон, Хуросон ва бошқа жойлардан илм толиблари ўқишға келишган. Аини вақтда Мовароуннаҳр олимлари, билим излаб Миср, Ироқ ва Сурия қадар боришган.

Ташқи дунё билан Мовароуннаҳрнинг ҳосил алоқаси ва унинг ақсарият аҳолисининг саводхонлик даражаси мамлакатнинг барча ерларида қачонлардир жуда машҳур бўлган «фахр-ҳуқуқшунос» олим, мутақаллим (хадисшунос) адиб (адабиётшунос), надим (тарбиячи) сингари гуманитар касб ва мутахассисларнинг кенг тарқалишиға ва ривожланишиға сабаб бўлган.

Ҳар қандай мамлакат ҳуқуқий тизими бу — уша мамлакат миллий қадриятларининг ажралмас қисми ва у том маънода авлодлар мероси, аъёнаниннинг шакллантирувчи қуч, шу мамлакат жамиятининг ўзлигини таништи-

рувчи воситаси ҳамдир. Мовароуннаҳр ҳуқуқий тизимини шариатдан, муслмон ҳуқуқидан алоҳида ажратиб таъаввур қилиб ҳал бўлмайди. Мовароуннаҳр фахилари ўзларидан аввал яратилган муслмон ҳуқуқига мурожаат қилиб шариати олимона тадқиқ этишға ва унинг мислсиз ривожига улкан хисса қўшганлар. Улар ислом дунёсини саҳнасида муслмон ҳуқуқининг тенгсиз билимдонлари — Курьон шарҳчилари, хадисшунослар, фахилар, муқаддаслар сифатида ном қозонганлар. Уларнинг мажмуалари, асарлари, шарҳлари муслмон маданияти ва ҳуқуқшунослиги ривожига катта таъсир ўтказган.

Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқ-шариат IX—XII асрларда Шарқ ёки муслмон Уйғониши (Ренессанс) даврида чинакам раванак толган. Муқаддас Курьон карим сура ва оятлари бевосита қўлланиладиган ҳуқуқ бўлган эмас ва бўла олмас эди. Шариат қўлдан-қўл ёзма ва заки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, маҳаллий урф-одат ва аъёналар таъсири остида шаклланган.

МОВАРОУННАҲР ФИҚҲ МАКТАБИ АНЪНАЛАРИ

Фиқх — муслмон қонуншунослиги — Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятлардан ҳисобланади. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин муслмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига қамраб олган. У Мовароуннаҳр халқлари, юнон ва румон, форс ва ҳинд маданияти намуналаридан келиб чиққан ҳолда умуминсоний диний ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлари ҳам ўзида муҷассам қилган.

Мовароуннаҳрлик фахилар (ҳуқуқшунослар) ўзларининг ҳуқуқ билимлари, машҳур асарлари билан шариат алломалари ичида обрў топганлар. Уларнинг нафақат Мовароуннаҳр, балким бутун муслмон дунёсининг маънавий, диний ва ҳуқуқий ҳаётиға таъсири улкан бўлган. Мовароуннаҳр фиқх мактаби намояндалари шу улка халқлари ҳуқуқий анъналари, урф-одатлари, расм-русумларини умумислом нуктаи назарини таҳлил қилганлар. Уларнинг ҳуқуқий тарихий хизматлари натижасида уларок Мовароуннаҳр халқларининг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий анъналари ислом маданиятида, шариатда ўз аксини топган. Бу эса ўз навбатида исломнинг муайян аниқ бир тарихий миллий шариотларда ўзига хос шаклнинг қарор топишиға олиб келган. Худди шунинг учун ҳам ислом Мовароуннаҳр халқларининг нафақат диний тарихий хизматлари шу улка халқларининг турмуш тарзига ҳам айланган, маҳаллий муҳитта сингиб кетган.

Мовароуннаҳр фиқх мактаби намояндалари бой ёзма мерос қолдирганлар. Фиқх бўйича қўлланмалар, фатво тўпламлари, таржimai ҳолға бағишланган рисолалар, ҳуқуқий масалалар бўйича турли ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳрда фахилар маънавий баркамол, зур иззат ҳурматга сазовор, чуқур ақл-заковатта ва зарур маънавий фазилатларға эга бўлишлари даркор бўлган. Фақат шундагина фахил шариат маънабларининг бир-бириға ўхшамайдиган ва қўпчина бир-бириға зид қўлдан-қўл муҳокамалари ва қойдаларидан низоли ишға мос келадиган ечимини топа олганлар.

Мовароуннаҳр фиқх мактаби таниқли фахил алломаларининг ҳуқуқ ва фикрига, ҳамда маҳаллий ҳаёт ҳақиқатларига таяниши билан ажрალიб турган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр Ханафий маъзабининг марказларидан бўлган. Мовароуннаҳрлик фахилар шариат қойдаларини муайян изчил тизимға солиш ва умумлаштиришда фаол иштирок этганлар.

Х асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда, асосан ирик шаҳарларда, муслмон қонуншунослари ён ҳуқуқий таъбирларидан, яъни шариатни ўргатувчи диний-ҳуқуқий билим масканлари — мадрасалар ташкил этила бошланган.

Мовароуннаҳр фиқх мактаби муслмон дунёсига гўятда кенг диний-ҳуқуқий адабиёт қолдирган. 1843 йилда биргина Бухоро мадрасасининг ўзида Мовароуннаҳрда шариатнинг ўзига хос ҳуқуқий мактаби вужудға келгани ва гўят кенг тарқалганидан далолат берувчи муслмон ҳуқуқий бўйича 103 дан зиёд ирқий тадқиқот китоблари, қўлланмалар сақланган.

Шариат талабларини амалий ҳаётда фақат улар ҳуқуқий қайта ишлангандан, тартибға солингандан ва муслмон фахилари томонидан тушунтириб берилгандан сунгига қуллаш мумкин.

Мовароуннаҳр фахиларининг асарлари нафақат маҳаллий, балки умуммуслмон олами аҳамиятиға мўлқ бўлиб, барча муслмон давлатларида нийҳатда машҳур бўлган. Мовароуннаҳр фахилари Сурия, Миср, Кичик Осиёда ханафия маъзаби марказларини ташкил этиш ва қайта тиклашда, шариатнинг бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, асосий дарслик воситаси бўлиб қолаётган нийҳатда нодир, обрўли, бутун дунёдаги сунний муслмонлар ардоқлайдиган, Марғилонда ёзилган «Хидоя» «Бухорода ёзилган «Ақоид», Самарқандда ёзилган «Ҳикмат-ул-айн» сингари китобларни яратишда хал қилувчи роль уйнаганлар. Фарғоналик Ҳасан ибн Махмуд, бухорлик Абдулло ибн Мақсуд сингари алломалар «Қозихона» ва «Мухтасар» сингари арабчадан бошқа ўнлаб тилларға уйрилган ва қайта-қайта чоп этилган китоблар ёзганлар.

Мовароуннаҳрда нийҳатда машҳур бўлган ва кенг тарқалган фахиларнинг ҳуқуқий асарларидан «Фасули-Исд-равша»

